

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“АРХИТЕКТУРА”, “БИНО ВА ИНШООТЛАР
ҚУРИЛИШИ”, “ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ,
БЮЮМЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ”, “ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
КАДАСТР”, “АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ВА
АЭРОДРОМЛАР”, ДИЗАЙН(ЛАНДШАФТ ВА
ИНТЕРЕР)” ЙЎНАЛИШИ**

**“ЛОЙИХАЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Лойихалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илгор хорижий тажрибалар

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАҚИ, катта илмий ходим изланувчи, Тұхбоева Н.М.

Тақризчи: Bo Yang, Ph.D., Professor of Civil Engineering, Director of international Exchange Office, Deputy Director of Structural Engineering Research Institute, Chongqing University, China.

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиши институты Кенгашининг 2016
йил _____ даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	48
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	53
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	55
VII. ГЛОССАРИЙ.....	56
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	58

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Шунингдек, хориж таълим тизими билан Ўзбекистон таълим тизимини қиёсий ўрганиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, илмий-тадқиқотлар ўtkазишининг самарали методлари ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳамда уларни таълим жараёнларига кенг тадбиқ этишга асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Ишчи дастурда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий фаолиятини ўсишида хориж тажрибалари, замонавий таълим методлари, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологиялар, масофадан ўқитиш технологияси ва мустақил таълим олиш кабиларни ривожлантиришни назарда тутади.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.” модулининг вазифалари:

- бош планни яратилишида шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши, шаҳарларни электрон бошқаришлар;
- янги ақилли уйлар, кўчалар, боғлар, ёритгичлар, сенсор технологиялари;

Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

- янги архитектурага асосланган тажрибалар асосида замонавий инженерлик коммуникацияларининг янги технологиялари;
- масофавий бошқариш, интернет билан боғлиқ бошқаришлар, дастур асосида инвертаризациялар, дастурланган хоналар технологиялари;
- қурилишнинг ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар;
- қуёш батареяларидан фойдаланиш, узлуксиз электр энергия билан таъминлаш;
- Маданий меърос объектларини таъмирлашда хорижий технологиялардан фойдаланиш;
- тингловчиларда архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишида ўринли ишлата олиш қўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновациялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- архитектура ва қурилиш соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги фанларни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- бино ва иншоотлар қурилишини ташкил этишда хорижий тажрибаларни;
- инновацион лойиҳаларнинг таркиби, уларни тузишни;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги долзарб масалаларни;
- энергия самарадор биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар ҳақида **билиши** керак.

Тингловчи:

- лойиҳа ғоясини асослаш, унинг моҳиятига кўра лойиҳалаш турларини ажратса олиш, ҳамда халқаро талабларига жавоб берадиган лойиҳалар тузиш;
- қурилиши технологик тайёрлаш тизимидағи янгиликлар;
- қурилиш бозорига кириб келаётган замонавий энергия тежамкор материалларни амалиётда қўллай олиш;
- бино ва иншоотлар мажмуи қурилишини самарали ташкил қилиш;
- бинолар энергия истеъмолининг нормалари ва уни таъминлаш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- лойиҳа ғоясини асослаш, лойиҳани бошқаришда халқаро модуллардан фойдаланиш;
- бино ва иншоотлар қурилишини ташкил қилиш, энергия фаол биноларни лойиҳалаш, конструктив ечимларини танлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ўз фанларини ўқитишида архитектура ва қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилишни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги янгиликларни, замонавий ўлчов асбобларини ўринли ишлата олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновациялар” модулини ўқитиши жараёнида қуидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновациялар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби”, “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатации қилишнинг замонавий технологиялари” (Бино ва иншоотлар қурилиши), “Лойиҳалаш технологиялари ва усуллари” (дизайн) ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг архитектура ва қурилиш соҳасидаги ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, ақилли уйлар лойиҳалари, қурилишда сенсор технологиялари, энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш

Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда кўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машгулот			
1.	Кириш. Бош планни яратилишида шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши, шаҳарларни электрон бошқаришлар	2	2	2	-	-	-	-	
2.	Янги ақилли уйлар, кўчалар, боғлар, ёритгичлар, сенсор технологиялари	2	2	2	-	-	-	-	
3.	Янги архитектурага асосланган тажрибалар асосида замонавий инженерлик коммуникацияларининг янги технологиилари	2	-	-	-	-	2		
4.	Масофавий бошқариш, интернет билан боғлиқ бошқаришлар, дастур асосида инвертаризациялар, дастурланган хоналар технологиилари	2	2	-	2	-	-		
5.	Қурилишнинг ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар	2	2	-	2	-	-		
6.	Куёш батареяларидан фойдаланиш, узлуксиз электр энергия билан таъминлаш	2	2	-	2	-	-		
7.	Маданий меърос объектларини таъмирлашда хорижий технологиялардан фойдаланиш	2	2	-	2	-	-		
Жами		14	12	4	8			2	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Кириш. Бош планни яратилиши шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши, шаҳарларни электрон бошқаришлар.

Архитектура ва қурилиш фанлари, уларнинг ўзига хоссликлиари ва ўқитиши методикаси. Архитектура ва қурилиш фанларини ўқитишидаги замонавий чет эл тажрибаларидан фойдаланиш жараёнлари.

Бош планни яратилиши: шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши, шаҳарларни электрон бошқаришлар, келажак шаҳарларини лойиҳалаш. Дунё бўйича энг ақилли 10 та шаҳарлар лойиҳалари.

Лойиҳалаш ва курилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

Архитектура ва курилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар. Махсус фанларнинг предмети, мақсади ва вазифалари. Педагогиканинг асосий категориялари. Махсус фанларнинг боғлиқлиги. Махсус фанларни ўқитиши жараёни. Ўқитишининг қонун ва қонуниятлари.

2-мавзу: Янги ақилли уйлар, кўчалар, боғлар, ёритгичлар, сенсор технологиялари.

Ақлли уйлар: кўчалар, боғлар, ёритгичлар, сенсор технологиялари. Архитектура ва курилиш фанларини ўқитишида чет эл илғор технологиялари тўғрисидаги маълумотларнинг муҳимлиги, маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, илғор хорижий технологиялардан фойдаланиш.

Ақлли уйларни лойиҳалашдаги асосий омиллар, уларни кўчалар билан боғланиши, боғларнинг яратилишидаги асосий омиллар, ёритгичлар, сенсор технологияларининг архитектура ва курилиш соҳаларида ишлатилиши.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Масофавий бошқариш, интернет билан боғлиқ бошқаришлар, дастур асосида инвертаризациялар, дастурланган хоналар технологиялари.

2-амалий машғулот: Қурилишнинг ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар.

3-амалий машғулот: Қуёш батареяларидан фойдаланиш, узлуксиз электр-энергия билан таъминлаш.

4-амалий машғулот: Маданий меърос объектларини таъмирлашда хорижий технологиялардан фойдаланиш.

Амалий машғулотларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сухбати” ва бошқа таълим методларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маърузалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2.5
2	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, тингловчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 1

балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

 <p>Тест Идеал дунёда одам ва предмет, Грино принциплари?</p> <ul style="list-style-type: none">• идеал ижод – кемасозлик• ойдаги самоход• табиатдаги одам-амфибияси• тирик жамо сингари ижод маҳсули	 <p>Қиёсий таҳлил NANO технологияларга муносабатингиз?</p>
--	--

 <p>Тушунча таҳлили</p> <ul style="list-style-type: none">• NANO кисқармасини изоҳланг...	 <p>Амалий кўникма</p> <ul style="list-style-type: none">• энергия манбалари замонавий NANO технологиялар яратиш учун керакли дастурний воситаларни ўрнатинг?
---	---

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

Қуёш батареяларидан фойдаланишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Қуёш батареяларидан фойдаланишнинг кучли томонлари	энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида шаклланиши...
W	Қуёш батареяларидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Ўзбекистонда қуёш батареяларининг ишлаб чиқарилмаганлиги
O	Қуёш батареяларидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Ўзбекистонда йил давомида кунларнинг 70% қуёшли кун хисобланади
T	Тўсиқлар (ташқи)	Қуёш батарея технологиясининг қимматлиги. Чет элдан келтирилиши

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик групкалардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида шаклланиши..					
Қуёш батареялари		Сенсор билан бошқариш		Ақилли шаҳарлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида шаклланиши учун илова ишлаб чиқилди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилант(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгилант (жүфтликлардаги иш).

ФСМУ методи

«NANO технологиялар»

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида шаклланиши босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
-



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.
Энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида

Лойиҳалаш ва курилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

шаклланиши таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “Энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида шаклланиши”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни энергия манбалари замонавий NANO технологиялар ёрдамида шаклланиши орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчини мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниклайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Green city	Яшил шаҳарлар	
Recyclable Energy Resources	Энергия ресусларидан қайта фойдаланиш	
Энергия тежамкорлик	Energy efficiency	
Яшил шаҳарлар ривожланиш стратегияси	Strategies for Green city development	
Энергия системасининг айланиши	Energy circulation system	
Public transportation centric system	Аҳоли транспортини марказдан туриб бошқариш системаларини тузиш	

Рақобатбардош яшил шаҳарлар	Competitive green city	
-----------------------------	------------------------	--

Изоҳ: Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Веин Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшистилгач, улар биргалашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Қурилишда замонавий технологиялар турлари бўйича



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш

Лойиҳалаш ва курилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Рақобатбардош яшил шаҳарлар					
Яшил шаҳарлар					
Smart city					
Аҳоли транспортини марказдан бошқариш					
Яшил саноат					
Энергия системасининг айланиши					

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Кириш. Бош планни яратилишида шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши, шаҳарларни электрон бошқаришлар.

Режа:

- 1.1. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.
- 1.2. Махсус фанларнинг предмети, мақсади ва вазифалари.
- 1.3. Бош планни яратилишида шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши.
- 1.4. Шаҳарларни электрон бошқаришлар.
- 1.5. Дунёнинг 10 та ақлли шаҳарлари.

Таянч сўз ва иборалар: педагогика; таълим тарбия; касб-хунар; тарбиячи; ақлий; аҳлоқий; мутахасислик; ўқитиши методикаси; геодезик ишилар; қуришининг янги технологиялари; таъмирлаш ва сақлаш; қуриш ва эксплуатация қилиши; реконструкция қилиши; таълим дастури; ўқитиши мақсади; ўқитиши мазмуни; ўқитиши сифати; ўқитиши усуллари; ўқитишини бошқарши; ўқитишини разбатлантириши; ақилли шаҳарлар, электрон бошқарши; ташкилий.

1.1. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.

Ўзбекистон мустақил миллий демократик давлат сифатида ривожланиш йўлини танлаганидан сўнг, дастлабки йиллардаёқ, юрт олдига юксак маданият ва маънавиятга ҳамда жаҳон андозалари даражасидаги таълим ва тарбияга эришиш вазифалари қўйилди. Бу вазифалар маълумки, босқима-босқич ислоҳотлар йўли билан амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар тақдирида юқори малакали мутахассисларнинг ҳал қилувчи ролини инобатга олган ҳолда, эндиликда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар асосида етук мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди. Бу борадаги дастлабки муҳим қадам юртимизда “Таълим тўғрисидаги”ги янги (1997 йил 29 август) Конуннинг ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг жорий қилиниши бўлди. Республика изга таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини қайта қуришни йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи (1997 йил 29 август) ва “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда кўрсатилишича, кадрлар тайёрлаш муаммосининг ҳал қилувчи масаласи, барча босқич ўкув юртларини ўкув адабиёти билан таъминлашдир. Президентимиз И.А. Каримовнинг шу масала бўйича Олий Мажлисдаги нутқларида қайд

Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

қилинишича “Таълим дарсликдан бошланади, деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас”. Бугунги энг муҳим муаммо шундаки, Президентимиз таъкидлаганидек, “Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холос бўлмасдан туриб болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз”, “Дарсликларда миллат фикрининг, тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак”.

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар” фанини ўқитишидан мақсад-мутахассислик фанларини ўқитиш методикалари, уларнинг ўзига хослиги, ўқитиш қонуниятлари, тамойиллари, маҳсус фанларнинг ўқув меъёрий ҳужжатларини магистрантларга ўргатиш, ҳамда шунга мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдан иборатdir. Фаннинг вазифаси-маҳсус фанларни ўқитиш метод ва воситалари, маҳсус фанларни ўқитиш шаклларининг умумий тавсифи, маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси, лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси, маҳсус фанларни ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш кабиларни ўргатиш ва амалиётга жорий қилишдан иборатdir.

Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабхаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумҳалк кураши бошланди. Қуёш нурига зор бўлган алломаларимизнинг ўтмиш қаъридаги пурмаъно асарлари ёруғлик юзини кўрмоқда.

Республикамизнинг ижтимонӣ, иқтисодий камолоти ёш авлоднииг саъии-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касбни эгаллашларига қараб, республикамиз келажагини тасаввур қиласа бўлади. Келажак ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларидир.

Бош планни яратилишида шаҳарларнинг атрофида майдонларнинг ажратилиши, шаҳарларни электрон бошқаришлар

Шаҳар атрофи ҳудудлари тадқиқ этиш ва лойиҳалаштириш учун жуда қизиқ объект бўлиб ҳисобланади: айнан шу ерда режалаштириш, коммуникацион, саноат, экологик ва бошқа таклифлар нуқтаи назаридан оқилона мувозанатни ташкил қилиш муаммоси ўта ёрқин намоён бўлади¹.

¹ Dr. Wang, Kwang Ik. Strategies for Urban Competitiveness. Evidences from Korea’s Green City & Urban Competitiveness. KOICA 2013

Муайян ҳудуднинг маъмурий-ҳудудий тузилиш хусусиятларига боғлиқ равишда шаҳар атрофи зонаси шаҳар атрофида ўрин олган муниципал туман ёки бир неча қўшни туманлар чегаралари ичida жойлашиши мумкин. шунга боғлиқ ҳолда шаҳар атрофи зоналарини лойиҳалаштириш муниципал туманларни ҳудудий жиҳатдан режалаштириш схемалари доирасида амалга оширилади. Шаҳар атрофи зонаси бир неча муниципал ҳосилалар ҳудудида жойлашганида лойиҳалаштирилаётган обьектнинг яхлитлигини сақлаб қолиш вазифаси юзага келади. Шаҳар атрофи зонаси чегаралари, уни зоналаштириш ва унинг ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти регламенти маҳсус лойиҳада белгилаб қўйилиши шарт. Марказий шаҳар ҳамда шаҳар атрофи зонасига кирадиган муниципал ҳосилалар хўжалик фаолиятининг ўзаро келишилган режими тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. «Шаҳар атрофи зоналарининг маҳсус лойиҳалари бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқилмаётганлиги сабабли, шаҳар атрофи муниципал туманларини ҳудудий режалаштириш схемаларининг минтақа асосий ҳудудларининг стратегик ривожланиш йўналишларига нисбатан адекватлиги (оқилоналиги) кўп жиҳатдан вазиятни яхши тушуниши ва ўзаро муниципал тузилмалараро муаммоларни яхши тушуниши керак бўлган ижрочи малакасига боғлиқ. Шаҳар атрофи зонаси етарли даражадаги зич тизим тарккибидаги тузилма бўлиб, режалаштириш жиҳатидан анча яхши “ўқилади”. Шаҳар атрофи зонаси чегаралари одатда шаҳар-марказга қадар транспортда етиб бориладиган 1-2 соатлик изохона билан белгиланади. марказий шаҳар қанча катта бўлиб, аҳолининг унинг яқин атрофидан фойдаланишдан манфаатдорлиги нақадар юқори бўлса, шаҳар атрофи зонаси шунчалик кенг бўлади. Шаҳар атрофи зоналарида темир йўл ва автомобиль йўллари транспорт узелларига бирикадилар, улар орқали магистрал нефт- ва газ қувурлари ёки газ қувурлари шахобчалари ўтади. Бундай зона ҳудудлари фаол тарзда қурилиб боради: марказий шаҳар атрофида йўлдош шаҳарчалар пайдо бўлиб, кичик шаҳарлар юзага келиши, шу сабабдан аҳоли пунктларининг жорий ва истиқболдаги ўсиши учун ҳудудлар захира қилиб қўйилиши талаб этилади. Йирик ва ўта йирик шаҳарлар яқинида омборхоналар жойлашиб, шаҳардан чиқкан ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари йигилади ва қайта ишланади, шаҳар атрофи типидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланиб, у ўз ичига парранда фабрикалари, иссиқхоналар, кўп йиллик ўсимликлар кабиларни ўз ичига олади². Йирик шаҳарлардан 50 километрлик зонада жойлашган хўжаликлар, одатда, энг рентабелли ҳисобланадилар. Бу ерда юқори бонитет кўрсаткичларига эга бўлган, мелиорацияланган қишлоқ хўжалик шудгор ерлари жойлашиб, уларни айнан қишлоқ хўжалик мақсадидаги ерлар сифатида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон ва Корея республикалари бугунги кунда стратегик шериклардир ва улар автомобилсозлиқ, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, эркин иқтисодий зона яратиш, логистика, самолётлар билан

² Dr. Wang, Kwang Ik. Strategies for Urban Competitiveness. Evidences from Korea's Green City & Urban Competitiveness. KOICA 2013

юқ ташиш каби ва бошқа турли соҳаларда ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширадилар. Корея тажрибаси Ўзбекистон ривожи учун жуда муҳим, модомики мамлакатимизга иқтисодий ривожланиш жараёнини тезлаштириш ва нотўғри ечимларга йўл қўймаслик имконини беради. Мамлакат иқтисодий ривожи қўп жиҳатдан шаҳар ва аҳоли жойлари ривожига боғлиқ, шаҳарсозлик ҳужжатларини яхши ишлаб чиқиш эса мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва иқтисодий ривожланишининг тезлашишига ёрдам беради.

Шаҳарларимиздаги мавжуд давлат муҳофазасига олинган тарихий обида ва зиёратгоҳларни қайта реконструкция қилиш, атроф муҳитни ободонлаштириш, турли ўлкалардан ташриф буюраётган зиёратчиларга ўтмишдаги шаҳарсозлик ҳамда бунёдкорлик борасида амалга оширилган ишлар тарихимиз ва маданиятимиз билан таништиришда муҳим ўрин эгаллади.³

Мустақилликнинг ilk кунлариданоқ тарихий шаҳарлардаги мавжуд зиёратгоҳ ҳамда азиз қадамжоларни қайта тиклаш, улар атрофини ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратилиб, маданий мерос объектларини сақлаш, асрар авайлаш ва уларни келажак авлодларга етказиш билан биргаликда тарихий шаҳарларимизни бош режа асосида қайта қуриш ишлари барча шаҳарларда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бош режалар шаҳарларнинг худудларини ривожлантиришнинг соҳа ва йўналишлар бўйича тармоқ схемаларини (транспорт, коммуникация, ижтимоий соҳа инфратузилмалари) ишлаб чиқиш мутсадди вазирликлар ва идоралар томонидан тизимли йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда шаҳарларда олиб борилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўламини ҳамда замон талабларини инобатга олиб, бош режаларни ишлаб чиқиш борасида ишларни жадаллаштириш ўта муҳим ўрин эгаллади.

Бош режаларни ишлаб чиқиш борасида мамлакатимизда бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги Давлат бюджети кўрсаткичлари ва иқтисодий ривожланиши параметрлари тўғрисида” 2015 йил 12 октябрдаги баёни топшириқлари Архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва худудларнинг қурилиш индустрияси салоҳиятини юксалтириш бўйича бош режаларни ишлаб чиқиш, келишиши ва тасдиқлаш жараёнларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз натижасини бермоқда.

Шу билан бирга шаҳарларнинг бош режаларини амалда татбиқ этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш эътибордан четда қолиб кетмоқда. Оқибатда шаҳарларнинг бош режаларида инобатга олинмаган объектлар қурилишига

³ Dr. Wang, Kwang Ik. Strategies for Urban Competitiveness. Evidences from Korea’s Green City & Urban Competitiveness. KOICA 2013.

Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

йўл қўйилиб, бунинг натижасида шаҳарларнинг истиқболда кенгайиш ҳудудларида ноқонуний қурилишлар амалга оширилиб шаҳарларнинг тартибсиз ривожланиши каби салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Бош режаларнинг ишлаб чиқилиши ҳар бир шаҳарни истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шаҳарларнинг бош режалари табиий-иклим шароитидан ҳамда ўзининг урф-одатларидан келиб чиқкан ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Ҳар бир шаҳарнинг бир-бирига ўхшамас урф-одатлари ва архитектураси мавжуд, бош лойиҳа институтлари бош режаларни ишлаб чиқишида ҳар бир шаҳарнинг архитектурасини чукур ўрганишларни талаб этади.

Шаҳарсозлик хужжатларидан келиб чиқиб, шаҳарларни шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш, шаҳарларни бош режалар билан таъминлаш ҳамда бош режаларни амалда татбиқ этишининг долзарб масалаларига бағишлиланган.

Республика шаҳарларининг хилма-хиллиги

Ўзбекистонда турли шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари мавжуд. Улар асосан икки турга бўлинади. Биринчиси тарихий шаҳарлар бўлиб, иккинчиси янги шаҳарлар жумласига киради. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз шаҳарлари тарихий шаҳарлар ҳисобланади. Тарихий шаҳарларнинг меъморий-бадиий қиёфасининг бузмасдан мавжуд обидаларни саклаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини тарихий шаҳарларнинг архитектурасига боғлаб амалга ошириш лозим.


Республикамиздаги ҳар бир шаҳар алоҳида архитектуравий йўналиш ва кўринишга эга. Бугунги кунда республика бўйлаб кенг миқёсда шаҳарларни ишлаб чиқилган бош режалари асосида қайта қуриш ишлари босқичмабосқич амалга оширилмоқда.

Эски шаҳарларни қайта таъмирлашда улардаги мавжуд тарихий обидаларга туташ жойлашган турар жой ёки бошқа турдаги объектларнинг тарз қисмларини ишлашда табиий иклим шароитига ҳамда тарихий объектларнинг архитектурасига мослаб янги замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш, миллий ва замонавий архитектура уйғунлигига эришиш лозим.

Бугунги кунда республика миқёсида кенг кўламда олиб борилаётган қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари жадал суратларда амалга оширилмоқда. Бош лойиҳа институтлари томонидан шаҳарларимизнинг табиий-иклим шароити, мавжуд тарихий-маданий мерос объектлари архитектурасини ўрганиб чиқкан ҳолда, ҳар бир шаҳар учун алоҳида архитектуравий ечим ҳамда йўналишларни ишлаб чиқиш лозим, яъни янги қурилиши режалаштирилган ёки қайта таъмирланаётган объектлар мавжуд маданий мерос объектлари архитектураси билан биргаликда комплекс ишлаб чиқиш лозим.

Лойиҳалаш ва курилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар

Шаҳарларимиздаги мавжуд давлат муҳофазасига олинган тарихий обида ва зиёратгоҳларни қайта реконструкция қилиш билан бир қаторда атроф муҳит



экологиясига ҳам катта эътибор қаратилиши муҳим ўринни эгаллайди. Тарихий шаҳарлардаги маданий мерос объектлари ва бой маданиятимизни таништиришда турли ўлкалардан ташриф буюраётган юқори мартабали меҳмонлар ва зиёратчиларга аждодларимиз томонидан ўтмишда амалга оширилган шаҳарсозлик борасидаги ишлар билан таништириш муҳим ўрин эгаллайди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва бошка шулар, каби тарихий шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишида эски шаҳар қисмини комплекс ривожлантириш соҳа ва йўналишлар бўйича тармоқ схемаларини (транспорт, коммуникация, ижтимоий соҳа инфратузилмалари) ишлаб чиқишида тарихий шаҳарлар учун алоҳида “Низом”ни ишлаб чиқишини талаб этади.

Янги ишлаб чиқилган “Низом” асосида тарихий шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишида табиий-иқлим шароитини ўрганиш, маданий меърос объектлари атрофида экологик ҳолатни яхшилаш муҳим ўринда туради.

Низомда кўрсатилган шартларга биноан шаҳарларнинг эски шаҳар қисмида экологик ҳолатни яхшилаш учун хиёбонлар ташкил этиш, архитектура ёдгорликлари атрофида барча турдаги транспорт қатновини умуман чеклаш ҳамда экологик заарсиз электр зарядли автомобиллар қатновини кўпайтириш талаб этилади. Бу шаҳарларда маданий меърос объектлари атрофида экологик ҳолатни яхшилашга хизмат қиласди.

Тарихий шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишидаги⁴ яна бир муҳим масала шаҳарларда экологик заарасиз, юқорида айтилгандек, электр энергияси таъминотини ташкил этиш билан боғлиқдир, яъни замонавий “қуёш нури батарея”лари ёки “шамол орқали энергия ишлаб чиқиш”га катта эътибор қаратилиши муносабати билан истиқболда бош режаларни ишлаб чиқишида ушбу иншоотлар учун катта майдонлар ажратилиши кўзда тутилиши шарт.

Шу билан бир қаторда тарихий шаҳарларни **узлуксиз электр энергияси** билан таъминлаш ўта муҳим ўринни эгаллади. Ушбу масала шаҳарнинг очиқ муҳитлари ва биноларида муҳандислик тармоқлари (шаҳарни ёритиш, фуқароларни мулкини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ёнгин ва бошқа турдаги хавфсизлик тизимлари, ахлатни қайта ишлаш тизими, биноларни иситиш тизими, биноларни шамоллатиш тизими, сув оқава тизими, биноларни газ билан таъминлаш тизими) муаммоларини ечиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Маданий мерос обьектларининг хавфсизлиги, уларда кузатув камералари узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларни ташқи (экстеръер) ва ички муҳитларни (интеръерларини) видиокамералар ва спутник орқали, интернет тармоқларига тарқатиб бутун дунёга номойиш қилиш. Энг замонавий тежамкор тунги ёритиш ускуналари билан жиҳозлаб, муҳит дизайн масалаларига эътибор қилишда ва бошқа юқорида кўзда тутилган масалаларни ҳал қилишда, электр энергияга бўлган эҳтиёж, талаб этадиган йўналишлардан биридир. Демак, бизнинг шаҳарларимизда электр энергия билан боғлиқ муаммоларни инобатга олган ҳолда, шаҳар бош тархлари режалаштирилаётганда стратегик характерга эга эҳтиёж туғилади, бу ҳам бўлса, замонавий *NANO технологиялар ёрдамида электр энергиясини ўз-ўзи учун автоном равишда ишлаб чиқаришини йўлга қўйшишдир*⁵ (шамол генераторлари, қуёш батареялари, ер ресурслари-қатламларининг иссиқлигидан электр энергия ишлаб чиқарадиган гелиоқурилмалар). Бу шаҳар бош тархларини шакллантирга шаҳарнинг электр энергияга эҳтиёжи ўтқирроқ бўлган қисмида муайян майдондаги ҳудудларни ажратиб унда олдиндан танлаб олинган автоном электр энергия ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатишни режалаштириш керак. Биринчи босқичда ушбу тармоқлар давлат томонидан таъминланаётган электр энергияни ўзини такрорлаб туради, иккинчи босқичда эса, ушбу масала ечимини тўла тўқис таъминлайди. Бундай ёндашув шаҳарсозлик инфраструктурасидаги жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ечим – кўхна ҳудудларни тўлиқ регенерация бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида электр энергия борасида ва экологик маданиятда ўзига хос “инқилоб”га олиб келади.

Шу тариқа, *شاҳарларимизнинг бош тархларида узлуксиз электр энергияси билан таъминлаши масаласини автоном манбалар орқали ечиш республикамиздаги янги ва эски шаҳарларнинг электр энергияси ва*


⁴ Dr. Wang, Kwang Ik. Strategies for Urban Competitiveness. Evidences from Korea’s Green City & Urban Competitiveness. KOICA 2013

⁵ Dr. Wang, Kwang Ik. Strategies for Urban Competitiveness. Evidences from Korea’s Green City & Urban Competitiveness. KOICA 2013

Лойиҳалаш ва курилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар

экологик муаммоларига ечим топибгина қолмай, мамлакатимиз бюджетида сезиларли тежамкорликка олиб келади.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларимизни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда тармоқ схемаларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ушбу шаҳарларни замонавий архитектура талаблари асосида маданий меърос объектлари архитектураси билан чамбарчас боғлаб қайта таъмирлаш талаб этилади.



Бу эса ушбу тарихий шаҳарларимизда истиқболда катта комплекс, яъни **“очиқ осмон остидаги музей”**лар муҳитини яратиш имконини беради. Тарихий шаҳарларимиз “очиқ осмон остидаги музей”ларга айлантирилса, мамлакатда туризм имкониятлари максимал даражада кўтарилади, шу билан бир қаторда тарихий шаҳарларимизни келажак авлодга бекаму кўст етказиш таъминланади. Бунинг натижасида республикамизда фаолият юритаётган ҳунармандларимизга юқори имкониятлар яратилади, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар очилади, мамлакат эса ўзининг бой маданий меросини дунёга намойиш этади.⁶

Шаҳар ва шаҳар посёлкалари бош режаларини ишлаб чиқиши

Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиши якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиши прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади (И.А.Каримов).

Республикамизда охирги йилларда шаҳарсозлик борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида шаҳар ва шаҳар посёлкаларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминланиши сезиларли даражада ошди.

Шунга қарамасдан жойларда шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш эътибордан четда қолиб кетмоқда. Бунинг оқибатида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларнинг тартибсиз ривожланишига, шаҳарсозлик талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилмоқда.

⁶ Younghwan Jin et. al., (2011), “Spatial Distribution and Locational Characteristics of Green Industry”

Юқорида қайд этилган барча муаммолар муҳтарам Президентимиз томонидан 2015 йил 12 октябрда ўтказилган маҳсус йиғилишда шаҳарларнинг бош режаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда ушбу тизимни тубдан такомиллаштиришга доир берилган топшириқ асосида ўрганилди.

Шаҳарларимизнинг янгиланган бош режалар билан таъминланганлик ҳолати, бугунги кунда 119 та шаҳардан 108 таси (91%)ни ташкил этади. Афсус билан айтиш керакки, бугунги кунда республика бўйича 1085 та шаҳар посёлкасидан 97 таси (9%) янгиланган бош режалар билан таъминланган холос.

Бош лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилган айрим шаҳар ва посёлкаларнинг бош режалари тасдиқланишига тегишли идора ва ташкилотлар томонидан етарлича эътибор қаратилмаганлиги оқибатида 2011-2014 йилларда ишлаб чиқилган бош режаларнинг 29 таси асоссиз сабабларга кўра ҳанузгача тасдиқланмасдан қолмоқда.

Шу муносабат билан муҳтарам Президентимизнинг топшириқларига биноан соҳани ривожлантириш, тизимни такомиллаштириш ва янгича ёндошув асосида ишлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 5 январдаги З-сон қарори қабул қилинди. Ишлаб чиқилган қарор асосида шаҳарлар ҳудудларини ривожлантириш бўйича бош режалар 25-30 йил муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши талаб этилади. Ушбу қарорда кўзда тутилган шаҳарларнинг ривожланишида вазирлик ва идоралар томонидан ҳудудий ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда, шаҳарларнинг ривожланиши билан бирга йўл-транспорт ва муҳандислик тармоқларини ҳам комплекс ривожлантириш керак.

Акс ҳолда, муҳандислик тармоқлари яқин келажакда янги қўшилиб бораётган кучланиш ва юкламаларни кўтара олмай қолади. Натижада электр, газ, сув ва иссиқлик таъминотида узилишлар бўлиши, кўчаларда транспорт тирбандлиги юзага келиши мумкин.


Бош режаларни ишлаб чиқишида, тегишли вазирликлар билан келишиш ва амалга ошириш жараёнларида “Низом” талабларига риоя қилмаслик, мутасадди вазирлик ва лойиҳа ташкилотлари томонидан назорат ишлари сусайтириб юборилиши юз бермоқда.

Бош режаларни келишувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати, келишиш предмети муддатлари жадвал асосида аниқ кўрсатилган бўлсада жойларда “Низом” талабларига риоя этилмаяпти.

Бу каби хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда ҳудудларда олиб борилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўламини ҳамда замон талабларини инобатга олиб, бош режа асосида шаҳарларни ривожлантиришни амалга ошириш борасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур.

Лойихалаш ва курилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар

Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида бош режаларни “Низом” талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш ҳамда тегишли вазирлик ҳамда ташкилотлар билан келишиш бўйича мутасадди ҳокимликлар ва лойиха институтлари жавобгарлиги даражасини ошириш зарур.



Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишинг ҳолати ва ушбу жараёнларни такомиллаштириш

Кейинги йилларда республика миқёсида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, шаҳарлар ва туман марказларини замонавий архитектура талаблари асосида қайта қуриш, шунингдек ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида шаҳарсозлик ҳужжатлари, лойиха-тадқиқот ташкилотлари ишлари ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда.



Копенгаген, Дания

Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар

Аксарият лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари ва хусусий лойиҳа ташкилотларида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида замонавий тежамкорлик ҳамда миллийликни акс этишига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида сифатсиз ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қурилишлар амалга оширилиб, ортиқча маблағлар сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Республикамиздаги ҳар бир шаҳар ва шаҳар поселкаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган бош тархининг бўлмаганлиги лойиҳа-смета ҳужжатларини олиб бориша бир қатор нокулайликларга сабаб бўлиб, ишни олиб бориш муддатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини бундай сифатсиз тайёрлаш қурилишлар ва инвестиция жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда ва уларни белгиланган муддатда топширишга монелик қилмоқда ва қурилиш сифати пасайишига олиб келмоқда.

Шу сабабли амалга оширилиши кўзда тутилган қурилишлар учун зарур бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишида асосий эътиборни уларни қурилишнинг замонавий илғор технологиялари ва янги турдаги тежамкор сифатли замонавий ҳамда маҳаллий қурилиш материалларини қўллаган ҳолда жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқишига қаратилиши зарур.

